



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
YANGIBOZOR TUMANI HOKIMI
QARORI**

*O'zbekiston Respublikasi, Xorazm viloyati, 221200, Yangibozor tumani, Navbahor ko'chasi 2-uy,
Telefonlar: 0(362) 41-94-255, 0(362) 41-94-141, Faks: 0(362) 41-94-255*

2021 йил "18" феврал

№ 239

Yangibozor tumani

**“Навбахор” маҳалласида яшовчи
фуқаро Собиров Санжар
Гулимбаевичга дехқон хўжалиги
ташқил қилиш учун ер майдони
ажратиб бериш тўғрисида.**

Янгибозор тумани “Навбахор” маҳалласида яшовчи фуқаро Собиров Санжар Гулимбаевичнинг туман ҳоқими номига дехқон хўжалиги ташқил қилиш учун ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризасини, туман ҳоқимлиги хузуридаги ер майдонларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг хулосасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги қонунининг 5, 8-моддалари, “Ер кодекси”нинг 46, 55-моддаси ва “Маҳаллий давлат ҳоқимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10, 25-моддаларига асосланиб

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Янгибозор тумани “Навбахор” маҳалласида яшовчи фуқаро Собиров Санжар Гулимбаевичнинг туман ҳоқими номига юридик шахс ташқил этмасдан дехқон хўжалиги ташқил қилиш учун ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризаси талаби қаноатлантирилиб, туман ҳоқимлиги хузуридаги ер майдонларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг хулосаси маъқуллансин.

2. Собиров Санжар Гулимбаевичга “Навбахор” маҳалласи худудида туман ҳоқимлиги заҳирасида турган 0.29 гектар ер майдони ажратиб берилсин ва 0.054 (540 м.кв) гектар ер майдонидаги якка тартибдаги турар жойи ҳисобга олинган ҳолда, жами 0.35 гектар ер участкаси мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун юридик шахс ташқил этмаган ҳолда дехқон хўжалиги ташқил қилишга руҳсат берилсин.

3.Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р.Рахимов)га ва тегишли ташкилотларга ушбу қарорга асосан ўз хужжатларига қонунда белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритиш вазифаси юклатилсин.

4.Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Янгибозор туман хокими



У.Курбанов